Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

CEDR

# МИНТАҚАЛАР ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

## Республика илмий-амалий КОНФЕРЕНЦИЯСИ материаллари тўплами

I қисм

2014 йил, 4 март

Тошкент-2014

| | | |
|---|---|---|
| | йўналтириш хусусиятлари | |
| Назарова Ш. | Ўзбекистоннинг экспортга йўналтирилган ташқи иқтисодий фаолиятини ривожланиш аҳамияти | 272 |
| Насритдинова М | Развитие инновационно-инвестиционных процессов в Узбекистане. | 273 |
| Нематов И., Салимов А. | Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш ва унинг асосий йўналишлари | 275 |
| Нишонов Ш. | Мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг ривожланиши | 277 |
| Nasirova S | The role of foreign direct investment in economic development | 278 |
| Нормуродов Х. | Тошкент шаҳрининг худудий инвестиция дастури, унинг параметрлари, манбалари ва бошқа индикаторнинг қисқача динамик таҳлили. | 280 |
| Нурмухамедова М., Юсуфалиев О., Мусурмонкулов М. | Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда хорижий инвестицияларнинг роли | 283 |
| Омонов Б., Нигманов Э., Шубина В. | Свободные экономические зоны как фактор регионального развития | 285 |
| Отакузиева З., Мусаев А. | СЭЗ – основной источник привлечения иностранных инвестиций в решении экономических и экологических проблем развивающихся стран (на примере Республики Узбекистан) | 288 |
| Пулатходжаев С. | Экспорт кредитлари суғуртаси ва уни Ўзбекистонда ривожлантириш истиқболлари | 290 |
| Райимкулов А. | Корхонларнинг рентабиллилик даражасининг ўсишида инвестициялар ўрни | 292 |
| Раҳимов Б., Ахмедов А. | Инвестицияларни жалб этиш мамлакатимиз тараққиётининг гаровидир | 29 |
| Рузметов Ш., Саидов О., Худайберганов Ж. | Минтақада экспорт салоҳиятини юксалтириш омиллари | 29 |
| Сауханов Ж., Баймағамбетов С. | Минтақалар ташқи иқтисодий фаолиятида транспорт-экспедиторлик фаолиятини ривожлантириш аҳамияти | 29 |
| Соатов Ф. | Инновацион инфратузилма ва унинг ўзига хос хусусиятлари | 29 |
| Содиқов З. | Иқтисодий барқарорлик ва унда экспортнинг роли | 30 |
| Содиқов З., Ботирова Н. | Иқтисодий ривожланиш ва унда хорижий инвестицияларнинг ўрни | 30 |
| Султанова Л. | Институты развития как катализатор инвестиций в приоритетные сектора экономики | 30 |
| Temirkhanova M., Muminov O., Abdullayev Kh. | Investment activities of the banking system - the key to successful economic development | 30 |
| Тилляходжаев А. | Ўзбекистонда тўқимачилик тармоғини ривожлантириш | 30 |





| | | |
|---|---|---|
| Атамуратова Н. | истиқболлари | |
| Темиров А. | Ўзбекистон Республикасида инвестиция фондлари фаолиятини ривожлантиришда хориж тажрибаси | 311 |
| Turayev J., Saidkarimova S. | The positive impacts of foreign direct investment | 312 |
| Туропов Б. | Особенности инвестиционных процессов в предприятиях с корпоративным типом управления | 314 |
| Tursunov Sh., Ismailov H. | Qo'shma korxonalarni tashkil etishda xorijiy investitsiyalarni jalb etishni rag'batlantirish | 315 |
| Hamdamov M., Kayumov B. | Janubi-sharqiy osiyo mamlakatlarida eksport salohiyatini oshirishga qaratilgan innovatsion iqtisodiy modellar rivojlanishi | 317 |
| Хамраева Б. | Ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишда эркин иқтисодий худудларнинг ўрни | 319 |
| Kholikova R. | An importance and basic trends of free industrial economic zone "Navoi" in foreign economic cooperation | 322 |
| Худайберганов Ш. | Иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этиш самараси | 323 |
| Худайназаров А. Гурдибаева М. | Мировые тенденции потоков прямых иностранных инвестиций в 2005-2012 гг.: анализ в разрезе стран с развитой, развивающейся и переходной экономикой | 325 |
| Шамсиев Ж. | Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг Хитой тажрибаси | 326 |
| Эгамбердиев Ж. | Глобаллашув шароитида инвестицион банк фаолиятини ривожлантириш масалалари | 329 |
| Элов Д. Тангишов М. | Методические подходы к разработке стратегии развитие экспортного потенциала регионального агропромышленного производства | 331 |
| Эрназаров Ж. | Минтақалар экспорт салоҳиятини оширишда хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари | 333 |

Шундай қилиб, таъкидлаш мумкинки, кўпчилик ҳолатларда маҳаллий тўқимачилик корхоналарида бизнес бошқарувига маркетинг ёндашувидан фойдаланиш ривожланишнинг бошланғич босқичларида турибди. Улар томонидан қўлланаётган маркетинг турлари кўпинча маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар товарлари ўртасида кучли рақобат билан тавсифланадиган ички бозорнинг ривожланиши замонавий босқичига мос келмайди. Гарчи маҳаллий истеъмолчи танлов учун кенг имкониятларга эга бўлса-да, бозор сифатсиз товарларга тўлиб кетган. Юзага келган, фаол ривожланаётган истеъмол бозори алоҳида маркетинг функцияларидан (фақат реклама, буюртмачилар излаш ва ҳ.к.) фойдаланишни эмас, интеграциялашган маркетингни жорий қилишни тақозо этади.

*И.ф.н. А.Темиров,*
*ТДИУ*

**Ўзбекистон Республикасида инвестиция фондлари фаолиятини ривожлантиришда хориж тажрибаси**

Ҳар қандай ислоҳотнинг муваффақияти бу борадаги дунё тажрибасини, айниқса бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар амалиётини ўрганиш ва тажрибасининг ижобий томонларини миллий иқтисодиётга ўринли татбиқ этишга боғлиқ бўлади. Инвестиция фондлари жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида турлича номланади, бироқ уларнинг бажарадиган функциялари қарийб бир хил.

Инвестиция фондлари қимматли қоғозларга бевосита инвестиця қилиш риски ва харажатларини қисқартиришни таклиф қилади. Инвестиция фондлари бошқарувчилари пайчилар эътиборига фондларнинг фондини, яъни бошқа инвестиця фондларига ўз маблағларини жойлаштиришни таклиф этадилар. Бу билан танлаш ва активларни диверсификациялаш муаммоси ҳал этилади. Бироқ бу қулайликлар катта миқдордаги комиссион харажатлар ва паст даромадлик эвазига олинади.

Инвестиция фондларининг асосий мақсади аҳолининг кенг оммасини пул маблағларини марказлаштиришга, яъни инвестиция жараёнига жалб қилишга йўналтиради. Сўнгги ўн йилликда хорижда коллектив инвестициялар институтлари ривожланиб бормоқда. АҚШда учдан бир қисм америкаликларнинг ҳисоблари нобанк молия-кредит институтларида сақланади. Активларнинг қийматлари сезиларли даражада ортиб бормоқда. Буюк Британияда инвестиция фондларининг энг йириги бўлиб "Foreign and Colonial Trust" ҳисобланади. Унинг маблағлари ҳажми сўнгги беш йилда жаҳон бўйича 8,5 триллион доллардан ортиб кетди.

Инвестиция фондларининг муваффақияти кўпинча қонунчилик ва унинг амалга оширилишини одиллик билан таъминланиши ҳисобига бўлмоқда. Одамлар пул маблағларини фирибгарликдан, ўғриликдан ва бошқа бузғунчиликдан ҳимоя қилинганлиги, шунингдек, товон тўланиши (компенсация)га ишонч бўлиши керак. Бундай ишончнинг бўлмаслиги хусусий инвесторларни фонд фаолиятида қатнашишига йўл қўймайди.



Глобаллашув шароитида инвестиция фондларнинг имкониятлари ўз мамлакатлари чегарасидан чиқиб, хориж мамлакатларининг активларига қўйилмоқда. Инвестиция фондларини бошқаришнинг халқаро консолидацияси жараёни амалга оширилмоқда. Британия бозорида инвестиция фондлари активлари 2010 йилдан кейин 270 млрд. долларга етди. Францияда эса активлар суммаси 630 млрд. долларни ташкил этди. Бу эса 30 фоиз француз оиласи инвестиция фондларининг акцияларига эга. Португалия ва Испанияда эса, инвестицион фондлар активлари 40 фоиздан ортди.

Жисмоний шахслар инвестиция фондларида ўз жамғармаларини ошириш ва қилинган инвестицияларини диверсификациялаш имкониятларини кўрмоқдалар. Бу ҳолат эса банкларга ишонч йўқолиб бораётган даврда депозитларга нисбатан катта даромадлар келитирш имконини бермоқда.

Айтиш жоизки, кўп мамлакатларда инвестиция фондларига инвестициялашни рағбарлантириш мақсадида солиқ ва бошқа имтиёзлар яратилган. Бироқ бундай имтиёзларсиз ҳам акция ва облигацияларга қилинган бевосита инвестициялар миқдори ортиб бормоқда.

Республикамизда хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, инвестиция фондларини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича қуйидагиларни таклиф этиш мумкин.

1. Инвестиция фондларини ривожлантириш учун қимматли қоғозлар бозорининг фаолият механизмини такомиллаштириш керак.

2. Инвесторлар ўз маблағларини инвестиция фондларига қўйишлари учун муваффақиятли бошқарув ва даромадларнинг ортишини кўра олиши керак.

3. Инвестиция фондлари ўз қимматли қоғозларини чиқаришлари ва уларни инвесторлар ўртасида жойлаштиришлари шарт.

4. Инвестиция фондларидан келадиган даромадларга солиқ имтиёзлари қўлланилиши керак.

5. Аҳоли (потенциал инвесторлар)нинг инвестиция фондлари тўғрисидаги ҳуқуқий билимлари жуда паст. Шу сабабли ҳам қимматли қоғозларга ишончи йўқ. Бу бўшлиқни турли воситалар орқали тўлдириш зарур.

6. Инвестиция фондларига ишонч давлатнинг ишончли ҳимоясига боғлиқ. Бунда қўйилган инвестициялардан келадиган барча зарарлар давлат тарафидан қонуний йўл билан қопланиши кафолатланиши керак.

*J.Turayev,*
*S.. Saidkarimova - TSEU*

**The positive impacts of foreign direct investment**

Any Foreign Direct Investment (FDI), whether by a multinational firm or not, can have either negative or positive effects. Any investment has a wide variety of potential effects. This is true for domestic as well as foreign direct investment. Not any investment or even not any company is ever likely to produce all these favourable or unfavourable results.And even not any country necessarily experiences all different effects. However, their results that have occurred and can be expected to occur in conjunction with some FDI in any country can be seen from the perspective of some observing.